

22758
10 0

Абдулла Қодирый

Жиңілдір
Бұзими



Абдулла Қодирий


Жинлар базими

БОЛГАРДИЙ УКСУЗЛЕНДІРІЛІК

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ

Уз2
К 53

22758
10



Қодирий, Абдулла.

Жинлар базими: Ҳикоялар. — Т.: Чўлпои, 1994.— 16 б:

Азиз кичкунтой китобхонлар! Мазкур тўпламда ҳалиқимизнинг асл фарзанди, узбек адабиётининг йирик насрнависи Абдулла Қодирийнинг сиз, болаларга атаб ёзган ҳикояларидан бир жуфтини эътиборингизга ҳавола бермокдамиш.

Хадемай, ўсю-ултгайб, ёзувчигизнииг ўзбек романчилигига асос солган «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаёни» каби йирик, бетакрор асарларини севиб мутолаа қиласиз. Мазкур ҳикоялар эса сизларга ана шу қувончли китобхонлик олдидан бир пиллапон вазифасини ўтайди, деган умиддамиш.

Уз2

К 4803620201—54
350 (04)—94 6—94

ISBN 5-8250-0415-7

© А. Қодирий, 1994 й.

ЖИНЛАР БАЗИМИ¹

Отам бу ҳикоясини бошлагап вақтда менинг вужудим-пи қўрқув ўраб олар эди-да, ичимдан: «Мени ҳам шундай жинларга йўлиқтирма», — деб тангрига ёлбориб қўяр эдим.

Кечаколам бизнинг уйга меҳмон бўлиб келган эди. Кечаси ошдан кейин отам, ойим, холам учовлари чой ичишиб ўлтирас ва ўтган-кетгандан сўзлашар эдилар. Сўз айланнаб келиб яна ўша жинлар, парилар, девлар тўғрисида тўхтади. Отам бўлса ўзи кўрган «жинлар базими»ни сўзлашдан яна тийиломмади. Отамининг бу ҳикояси, юқорида сўзлаганимча, менинг учун ортиқча ваҳимали бўлтапидан дарров ўрнимга кирпб, кўрпамга бурканиб ётиб олдим. Отам менга бир қуллаб қаради-да, «жинлар базими»дан сўз очди: «Янги уйланган вақтларим эди. Тыриклик билан овора бўлиб, боғнинг поясига ўз вақтида қаролмадим. Бир кун пайт топиб боққа бордим, ток жуда ҳам ўсиб кетган, бардидан ҳатто икки қаричгача ўсиб чиққан эди. Шунинг учун ишкомларни шитоброқ тиккайтиришга тўғри келар эди. Боққа бора бошлаганингнинг тўртинчи куни кечаси бир оз ёмгир ёғиб чиқди. Гўё ёмгирни кутиб турган токлар яна ҳам ўсиб кетдилар, шўралар барди устига энгашиб, ишком устига олмаганинг учун гўё мендан аразлагандек кўрунар эдилар. Мен нима бўлса ҳам поя лишини бугун битирмоқчи бўлдим. Эртага токни очмасам ҳам ўзим учун, ҳам ток учун жабр қилған бўларман, деб ўйладим.

Истакни озроқ олган әканман. Охирпешин вақтига истак тамом бўлиб қолди. Истак учун бозорга борай десам бир ишкомгина ямоқ қолди, ундан кейин бозордан қайтиб чиққунча кеч ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Ўзоқ ўйлаб турмай, тут, қайрагоч ва тол ҳаби дараҳтлардан истак чилпидим. Чилпиган истакларни йигиштир-

¹ Бу ҳикоя 1921 йилда нашр этилган «Шарқ чечаги» номли боалалар журналида биринчи марта босилган эди. Биз ҳикоянинг 1936 йилги нашридан фойдаландик.

Гунча ҳам бир чой қайнар вақт ўтди. Истакларни белбогимга қистириб, ишкомга кирдим.

Қош қорайиб, қоронги тушган пайтда аранг нюя ишидан қутулдим. Юз-қўлларимни ювиб, салла-чононимни кийганимда обдон қоронги босган эди. Бое ишлагани келган қўшнилардан ҳеч бириси қолмаган, ҳамма шаҳарга жўнаб кетган, кўчада чигирткаларнинг чириллаши, қурвақаларнинг қуруллашидан бошқа товуш йўқ эди.

Мен боддан чиққанда хуфтан бўлмаса ҳам шунга яқинлашиб қолган эди. Қоронгида туртиниб-суртиниб йўлга тушдим».

Отам холамга хитобан деди:

«Сиз биласиз, бизнинг боғининг тевараги қуюқ дарахтлик майдонлар билан ўралган. Катта кўчага тезроқ чиқиб олиш учун мен шу майдонлардан юрдим. Майдон ниҳоятда қоронги ва ваҳимали эди. Лекин мен қоронгида бепарво борар эдим, ёлғиз қоронгида туртуниб қийналар эдим. Катта кўчага чиқиб олмоғим учун орада биттагина Ҳамдам хумдоңчининг чакалаги қолди».

Отам ҳикоясини шу ерга келтириб тақагач, меп кўрпамга яхшироқ бурканиб олдим.

Отам сўзида давом этди:

«Бир-инки қадам Ҳамдам хумдоңчининг майдонига томон юрдим... Йироқдан келган ёргуликни сезиб, теварагимга қарадим-да, ҳайрон бўлиб қолдим... Қаршимдаги майдондан ўткур нур шарпаси тушар эди. Бугина өмас, кишиларнинг чагир-чугур сўзлашиб. кулушлари, гижданг-гижданг билан чилдирма, ора-чора дутор, таъбур, гижжак каби созларнинг заиф, аммо юракни қитиқлайтурсан товушлари эшитилар эди.

Мен тонг қотиб бир неча вақт турпб қолдим. Дарҳақиқат, бойқушлар уяси бўлган бир вайронада бундай воқеанинг юз бериши кишини албатта ҳайрон қиласар эди. Ҳолбўки, мен шу кун эрталаб ҳам бу майдондан ўтган эдим. Бу ерда бирор зиёфат бўлатурган бўлса, эрта билан унинг бир асари кўринар эди. Ёш-яланглар кунидуз куни ҳаракат қилганларда, хара-кўчалар, деб фикримдан ўтказдим.

Мен базм бўлаётган майдон орқали ўтмоқчи бўлиб, девор наҳрасидан ошиб тушдим... Уҳ-хўй-ўй, майдон ичи кундузгидек ёруғ, дарахт шохларига чироқлар осилган, ерларга инак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта оқ самоворлар қўйилган, бир тарафда катта қозонлар қурилган, жаз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрта ерида юз чоғлиқ ёш-қари кишилар қуршалиб ўлтириб, дутор, тан-

бур, чилдирма, ногоралар чалиб базим қиласар әдилар.

Шу чоқда бир киши олдимга югурди ва базимдагиларга қичқириб:

— Мана, Ўсар акам ҳам келди! — деди.

Базимдагиларнинг ҳаммалари ҳам менга қарадилар.

— Келинг, келинг, Ўсар ака, поядан қутулдингизми? — дейишдилар.

Ўша онда уларга нима деб жавоб берганимни ҳозир эслайлмайман, чунки жуда ҳам гарангсиган әдим.

Улар мени ўз пхтиёримга қўймай, судраб, тортиб тўрга чиқардилар. Одатда мажлисга кириб ўлтиргандан кейин фотиҳа ўқилар әди. Бироқ уларнинг ҳар турли савол ва муомалалари билан овора бўлиб, фотиҳа ўқиши ҳам ёдимдан чиққан. Бир оз эсимни йигиб олгандан кейин мажлисдагиларни кўздан кечприб чиқдим. Кўплари ни қайсан жойдадир кўргандек бўламап... Авиқлаб қарасам, умримда кўрмаган-танимаган ёт кишиларга ўхшайдилар. Фақат уларнинг мен билан худди танишларча муомала қилишлари, отимни атаб чақиришлари, қилған ишларимни сўраб, ҳатто бояги истак чилиб юрганимни билишлари мени жуда ҳам ажабга қолдирган әди.

Орадан кимдир, билмадим, голибо мажлиснинг бошлиги бўлса керак:

— Ўсар акамга дастурхон ёзилсин! — деди.

Тўрда ўтирганлардан яна бириси унга қарши чиқди:

— Илгари бир базим қилиб олайлик, сўнгра дастурхонга ҳаммамиз баравар қараймиз! — деди ва менга юзини ўгириб:

— Сиз ҳам базимни согиниб қолгандирсиз. Илгари базим қилайлик-а? — деб сўради.

Менинг қорним оч бўлса ҳам, меҳмонлигим важҳидан унинг фикрига қўшилишдан бошқа чорам йўқ әди.

Созандалар созларини тўғрилай бошладилар. Созлардан танбур, дутор, гижжак, рубоб, чапг, най ва даф кабилар менга таниш бўлсалар ҳам, яна мени кўрмаган ва билмаган бир қанча созлар ҳам бор әди. Созлар созландилар, бир хил босиқ-огир машқ чалина бошлади.

Машқ сеҳрлик әди... Мен ерга сингиб кетарлик дара жада эзилмоққа, асиранмоққа, ичимдан бир тўлқин келиб ўзимни қаерга ураримни билмай эвтиқмакка бошлидим. Созандалар ҳамон ҳалиги босиқ машқни секин-секин авжга чиқариб бордилар... Ахир чидаб туролмадим, пиқпиқ йиглай бошладим. Нега ва нима учун йиглар әдим, буни ўзим ҳам билмайман. Узоқ йигладим. Ниҳоят машқ битди. Битди, лекин мени ҳам ўзи билан бурга битирди.

Икки тегирмон тоши орасида янчилган кишидек мажруҳ әдим. Қимир этгали мажолим йўқ әди. Кўзимни очдим. Мажлисдагиларни барчаси ҳам гўё бир кўздан менинг ҳолимга кулиб қараб туар әдилар. Мен ўз ҳолимдан уялиб ерга боқдим.

Созлар яна иккинчи машқни чалиш учун тайёрланар әдилар. Лекин мен ҳалигидек машқни эшитишдан безор бўйган әдим. Юрагим гуи-гуи уриб қолди. Боягидек машқни яна бирини тингласам, эҳтимол ажалимдан буруш ўлар, ер билан яксон бўлар әдим.

Иккинчи машқ бошланди. Машқ бошланиши билан бутун вужудимга ҳаёт суви югарди. Ўзимда аллақандай бир лаззат ҳис қилдим. Машқ ғоятда шодликли әди. Бу машққа не деб исм беришни билмайман.

Шу вақт ўртага ўн беш-ўн олти ёшлик бир қиз келиб кирди. Унинг соchlарц жингила-жингила, юз ва кўзлари дўндуқ, устида яшил баҳмалдан бурма қилиб тикилган чироили делвагай кийими бор әди. Бир неча қадам чалишиб ўртада юрган әди, оёгидаги қўнгироқлари жингираб кетди. Қиз машқ билан баравар ўйнай бошлади.

Машқ давом этар, гўё нафис соз товушининг ели ўйинчи қизни ғайри ихтиёрий бир ҳаракатга келтиради. Дунёга бир шодлик, бир фуҳ ёгади, гўёки ўликлар тириларлар, ерлар силкинарлар, тог-тошлар қуларлар, юлдузлар учарлар, дараҳт шохлари титрагандек бўларлар.

Ахир шодликларим юрагимга сигмади. Ўз эрким билан эмас, аллақандай бир куч ўтирган жойимдан турғузиб юборди. Қизнинг ёнига кириб мен ҳам ўйнаб кетдим».

Ойим билан холам ўзларини тутолмай кулиб юбордилар. Менинг бўлса кўз ўнгимга дадамнинг ўйнагандаги аҳволи келиб тўхтагандек бўлди.

Дадам давом этди:

«Шундай, мен ўйнай бошладим. Нима бўлса ҳам қиз билан бирдек ўйнамоққа тиришаман. Қиз мен билан бир оз ўйнаб турғандан кейин ўртадан чиқиб бир четга кетди. Лекин мен ўйинни тўхтатмадим, тўхтатиш хотиримга ҳам келмаган әди. Қишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқириб, оғиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай, ўйинни давом эттираман...

Бир вақт алланарсага туртиниб ерга ииқилдим. Ўзими ўнглаб олиб яна ўйинга ҳаракат қилган әдим, тагин муқкамча ииқилдим.

Бир қанча вақтдан сўнг ўнгланиб, ўрнимдан турдим ва кўзимни очиб теварагимга қарадим...

Орада на кишилар, на созлар ва на бошқалар — ҳеч ким, ҳеч гап йўқ! Қон-қоронги майдон, бир ариқ ичида турибман...»

* * *

Мен отамнинг бу кўрган ҳодисасини муаллим афандига сўзлаган эдим, кулди:

— Ваҳима, хаёлот! — деди.

— Чиндан ҳам ваҳимми, ваҳим бўлса кишида қандай воқеа бўлади? — деб сўраган эдим, афандим:

— Келаси жума болалар ўртасида бу тўғрида маълумот бераман, сен ҳам шу мажлисда ҳозир бўлсанг, ваҳимнинг қандай воқе бўлишини билиб оласан! — деди.

Мен албатта жума куни мактабга бориб, афандимиздан ваҳимнинг кишида пайдо бўлишини эшитаман. Ваҳитингиз бўлса жума куни сиз ҳам борингиз.

УЛОҚДА¹

I

Кеча дадамдан сўраб қўйганим учун букун акам ҳам «керак эмас, борма!» деган жекиришини қилмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

— Оёгинг олти, қўлинг етти бўлиб қолдиёв! — деб кулишиб қолдилар.

Қашлоғиччи олдим-да, қора қашқамни ялаиғочлаб, у ёқ-бу ёғини қашлаб чиқдим. Жонивор типир-тинир қилади, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади... Шунинг билан менинг кўнглимга: «Худо хоҳласа келаси йилга бирор улоқлар чопайки, ҳамма мени: «Тургун чавандоз» деб атасин», деган орзулар тушади.

Үлуг ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўгор эгарча билан галатича қилиб тойчами эгарладим. Тогамга ялиниб-ялногланиб олдирган ўрус юганин артиб-суртиб солдим-да, ўзим четроқдан туриб кам-кўстини кузатдим:

— Қуюшқони ҳам ўринда, эгар ҳам яхши қўнган, қоринбоғи ҳам жипс, югани ҳам тўраларинкидек! Лекин умулдиригипнинг² йўқлиги бир оз кўнглимни ғаш қилди.

¹ Бу ҳикоя 1915 йилда ёзилган эди. Болалик давримнинг ёдгори бўлгани учун ортиқча ўзаришлар киритмадим. (A. K.)

² Умулдирик — эгарининг суриллинига йўл қўймайдиган, отнинг кўкрагидан ўтказпладиган абзали.

Анчагина ўйлаб турғанимдан кейин, акамнинг юған асраб қўйтган қайиши эсимга тушиб, секингниа ертўлада яҳалпиги қайишни олиб чиқпб, умулдириқ ясадим.

Энди тойчам жуда ҳам гижиглаб, худда тўраларни кидек бўлиб кетди. У ёқбу ёгиши сунургандан кейип устуна қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ жужунча камзулнимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, баҳмал тўнини кийини... Ана шундан кейин отга мисак чин тўрача бўламиз-да!

Ойимниг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим қиёнмакчи бўлсан, кўзини ола-кула қилиб: «Қақшагир, кир қиласап, тўй-шўйга боргандা киярсан!» — деб қаргай бошлидии. Озгина «шайтон йигиси» қилмағунингча иш ўнгланимайди. Бу тал ҳам ўшандоқ йигидан қилиб олганимдан кейин, кийимларимни кийиб, шоҳи қийиқчамни белимга бояглаб олдим. Ойимга билдирамсдан секингниа уйга кириб, дадаминг кумуш чопқон қамчисини ичимга тикиб, ташқарига чиқдим.

Хизматчи гўшт келтириб турған экаш. Отхонадаги қора қашқапи кўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташқарига қараб чопдим.

Ойим орқамдаи:

— Кийимларнигни кир қилма, тойнигни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасига кириб, бирор ҳодисага йўлиқма, ўртоқларини билап бпр четдан турниб томоша қил! — деб жавраб қолди.

Хизматчидаи отпи олиб мивдим. Тўнимниг этаклари ни йигишириб, қашқачамниг човига бир-икки қамчи бергап эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. Хизматчиини «Ҳа, баракалла! Чавандоз!» деган товушни эшитиб, қаттиқроқ қамчилаб эдим, жонивор қашқачам кўтариб кетаёзди.

II

Чуқур арпқдан тойпмни сугориб чиқаётганимда бпр тўда улоқчи-чавандозлар учраб қолдилар. Уларниг бальзиси акамниг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бипр акамниг қаердалпгини сўраган эди, мен арталаб улоққа кетганилгини айтдим.

— Бизинг Маҳкамбой улоққа жуда ҳам ишқибоз-да!
— деди ҳалиги.

— Йўл бўлсан, бойвачча? — деб сўради мендан яна бири. Мен уялниқрадим:

— Улоққа! — дедим.

— Баракалла, чавандоз! Баракалла, Тургун чавандоз! — дейишилди улар. Айпиңса, мени «чавандоз» деб аташлари жуда ҳам кайфпимни келтириб, ичимдан: «Отангга раҳмат», деб қўйдим.

Биз бир дуркум отлиқ борамиз. Жонивор тойчам бошқа отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб ҳам кетади. Тойчам ўтақолса: «Отишгиз жуда ҳам йўрга экан-да, бойвачча», — деб менга пичинг отишадилар.

Ҳар ким ҳар нарсадан баҳс қиласди, орада менга ҳам сўз қотиб қўядилар. Мен уяламап. Сўз урниб, яна Маҳкамакам акам устида тўхталди:

— Шу чоққача қўи улоқчи қўрдим, лекин Маҳкамадек улоққа серзавқини кўрмадим! — деди биттаси.

— Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! — деди Собир тегирмончишининг ўғли.

— Ахир, ўи иккι яшар укасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи баданим жимирлашиб кетди ва оз қолдикни қулиб юборсанам.

— Дадам Маҳкамининг бобосининг улоқ чопишини гапираберса, киши ҳайрон қолади,— деди яна бир мўйлови шопдек йигит,— юз, икки юз чавандоз ичидан ёппалғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

— У вақтнинг одамини улоқнинг ири десанг-чи! — деди Собир тегирмончишининг ўғли.

— Отиг яхши ва билагингда куч сероб бўлса, сен ҳам улоқнинг ири бўла оласап! — деди яна бири.

Мен бобомининг мақтовини эшитиб, кеккайиб бормоқдаман... Шу пайтда орқамиздан от шаталоги эшитилиб, қайрилиб қараган эдик, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очиқ, яктакчан, саман отлиқ бир йигитни кўрдик. У бизга етиб тўхтади ва ҳамма билан от устидан туриб сўрашди.

— Бу ҳафта ёрдамлашасиз-да, карвон! — деди кулим-спраб Тўгон ака...

— Ҳа, бўлмасам-чи, сиздек огайпиларга кўмаклап масам бўладимни?! — деди ҳалиги йигит ва тўзумспизланди: — Қани, илдамроқ юринглар!

Йигит билан биргаллашиб кетдик. Бир оз боргач, бизнинг отимизининг оёги билан чавандоз йигитнинг сабри тугади шекиллик, отига бирдан шартиллатиб қамчи берди ва қушдек учиб кетди. Биз фақат уининг: «Мен тезроқ бораф», — деган сўзини эшитиб қолдик.

Энди сўз ҳалиги чавандознииг оти тўгрисида бошланди.

— Валаднинг оти жуда ҳам чопқир-да,— деди Тўгои ака,— улоқчи бўлғаниигга ираша шуидақашги отинг бўлса!

— Худди бодирафрафдек¹ учади.— деди мўйлови шопдек йигит.

Шу вақт шима учуидир, ҳамма бирдан шарақлаб кулиб юборди. Кулги сабабига тушунмасам-да, мен ҳам уларга қўшилиб кулишдим.

— Бодирафрафми, бодисарсар?— деб сўради ундан амаким.

Биз, акамга «Дўмбуровот» гузарида учрадик. Акамлар самоворчига палов дамлаб қўйиш учун ўзаро пул йигиб беришгандай кейин, биз яна йўлга тушдик.

Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки газ келатурган билқ-билқ гупион тунроқ, йигирма-ўттиз улоқчилар бирданиига йўл босиб, қайси отини чонтириб, қайси лўқпиллатиб боради.

Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган. Мен бўлсанм уйга қайтиб борганимда: «Кийимларнигни пес қилибсан!» деб ойимнииг қаргинидан қўрқиб бораман.

Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопилатурган жойга етдик. Ўзп тўрт тарафи кўз илгамайтурган даражада катта ва сайдон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халқ йигилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларининг ҳад-ҳисоби йўқ.

Катта садақайрагочининг тагида иккита бордопдек самоворога ўтин қалаб қайшатадилар. Ундан нарироқда бир-икки киши уч-тўрт қоп бодринги бир-бирисига тираб қўйиб: «Мирза қирон бодринг! Касур-кусур бодринг!» деб мақташадилар.

Акамлар саданинг остига — самоворчининг палосига отдац қўйдилар. Қун қизигида туриш қийин бўлгани учун мен ҳам тойчам билан садақайрагочининг бир бағрига бориб турдим. Теваракдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб тойчамнииг ёлини тараиман. Теварагимдаги кишилар орасида вагир-вугур гап, тўзумсиzlаниб улоқнииг бошланишини кутадилар. Бириси: «Букун улоқ қизимайди», — деса, иккинчиси: «Бекор айтибсан, букун улоқ жуда ҳам қизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш», — дейди. Яна би-

¹ Шамолдек демоқчи.

ри, «Ха, ха! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан!»—деса, аллаким: «Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўттармайди, ҳаёт деса бас!»—дейди. Тағин бирор: «Улар уч киши эди, икки йилдан берли бири кўришимай қолди, ача ўшанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!»—деса, яна аллаким: «Ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдигумдан келган, ердан бичиб олган-дек йигит-а?». «Балли, балли! Отапгга раҳмат, худда ўша йигит, қанча сўргласам ҳам ҳеч кимдан дарагини билолмадим!»

Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб қолди, бири: «Ўлиб кетган», деса — иккинчиси: «Тирик!» — деб қичқиради. Уларга яна бириси қарши туриб: «От босқан, докторхонада ўлган!» — дейди, сўфироқ бир одам: «Бирорга ёмон нафас қимланглар!» — деган эди, аллақайси киши: «Ўлса ўлғандир, бунга нима жанжал!» — деб қўйди, тағин бирор: «Бекор ҳам ўлдирибмиз-да!» — деб кулади. Яна: «Сираси-сираси!» Тағин шовқии-сурон, яна: «Ха-ха!» Тағин: «Йўқ, йўқ...»

Бир кишининг: «Ана улоқ келди» деб юбориши билан ҳамма тин-тинч бўлиб, улоққа қараб қолди. Яна бир оздан кейин: «Улоги ёш экан! Яхши чавандозга учурвоқ ҳам бўлмайди!», «Шуниси тузук, шуниси!» — деган жанжал бошлаган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди ва секин-секин «Салим чавандоз!», «Мурод чавандоз!» деган шивирлашишлар эшитилиб қолди.

— Қораси Салимми, чўтири-чи?

— Салимнинг билаги кучликка ўхшайди!

Чавандозларнинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола отга мингган баҳайбат чапан йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин халқ чидамсизланиб қолди:

— Ана энди чин улоқ кўрасан! — дейишадилар.

— Бу кун қиёмат улоги бўлар экан! — деб бошларини чайқатиб қўядилар.

— Муроднинг отини кўр, худда қапоти борга ўхшайди.

— Йўқ човкарни айтасанми, тўруқними?

— Ҳар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!

— Йулоги чимирилган от чопқир бўлади!

— Йулоқда гап йўқ, гап зотда!

— Йўқ, йўқ! Серкишновда, ўзим синаб кўрдим!

— Қора от чопқир бўлади, деганлар, қораси яхши, қораси!

— Дадам раҳматлик от олганда туёғига диққат қилар эди, гап туёқда.

Баҳслашадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашда. Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонлари-ни қора қашқамдан қидириб топсам, суюниб, топмасам, куюниб тураман.

Маҳалламиздаги ўртоқларимдан Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқилар ҳам отларини лўқиллатишиб келиб қолдилар. Биз тўртвонмиз отларимизни қатор қўйиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турдик. Нурхон дадасидан ола йўргани сўраганда қилган баҳонасини айтиб кулади. Ҳайдар соқов саман отининг йўлда Шокир мишиқивиг байталига қараб кишинаганини айтиб, Шокирни масхара қилади. Қулишамиз. Шокир бўлса, бурнин торта-торта: «Уялиб кетдим, бундан сўгуп бия мимайман», — деб қизарип-бўзарди. Отимнинг умулдириғига уларнинг ҳаваслари келиб, баҳосини сўрашадилар, мен: «Ўп беш танга», — деб, кумуш қамчини ҳам кўрсинглар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига «тақ-тақ» уриб қўяман. Улар: «Қани, қани, кумушми?» — деб қамчини қўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни қимирлатиб, ўзимда алланима сезинамац. Уларнинг отларига, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман. Ҳайдар соқов тутила-тутила... «Келинглар, бир чоптирайлик», — деди. Нурхон кўнмаса ҳам юганидан тортиб олиб кетишиди. Уларнинг орқасидан Шокир ҳам байталини югуртирди. Чидаб туриб бўлмас экан, улар орқасидан тойчамга бир қамчи бериб юборган эдим, жонивор икки ямлаб бир ютиб, ўн одимда уларни йўлда қолдириб кетди. Анчагина узоқлашганимдан сўнг орқамдағиларга қараган эдим, ҳамманинг қўзида мен эканман. Яна қаттироқ ҳайдадим. Қирининг бир чеккасига бориб отимни тўхтатдим, талай вақтдан кейин улар отларини лўқиллатишиб, ёнимга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопқирлиги тўғрисида сўзлашдик. Нурхон отининг чопмаслигига акасининг иссиқ ҳолда сув берганлигни сабаб қилиб кўрсатади. Ҳайдар соқов бўлса, Эсон кўкнорининг ўғлини сўка-сўка:

— Бозорга ун учун бораётганимда бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Шундан бери қамчи билан юз минг урсанг ҳам жонивор қулоғини чимириб, ҳуркиб турра беради! — дейди.

Менинг қашқачам тўғрисида Ҳайдар айтади: «Севинг, — дейди, — отингга ҳеч от боласи етмайди!» — дейди. Нурхон айтади: «Отдан сенинг баҳтинг бор экан, лекин, — дейди, — ем-хашакни ўзинг бер, хизматкорга ишонсанг,

отингни бузиб қўяди, ўртоқ, мен сенга бир айтиб қўйдим», — дейди.

Шу ерда узоққина сўзлашиб тургандан кейин яна отни кейинга қараб қўйдик. Тагин улардан ўзиб кетдим. Халққа яқинлашганимдан кейин «мени ҳам таниб қўйсинлар» деб қашқачамни уст-устига қамчилашим борми, шамол-да, шамол... энди халқ бир ўзимга ва бир қора қашқамга тикила бошлади. Мен бўлсам, «мени энди танийсизлар!» деб тойимшинг ёлини қамчи сопи билан тараб тура бердим.

III

Томошачилар орасидан яна ола-говур қўпти: «Ана улоқнинг солигини йигаётубилар!», «Улоқ ҳозир бошланиди!», «Мурод чавандоз ҳам турди!», «Салим қалноғини кийди!», «Рўзи қассоб улоқни бўғизламоқчи, ничогини қайраяити!», «Бойваччалар ҳам қўзгалишдилар!», «Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!», «Ҳай баракалла, шоввозлар!»

Ўртоқларим билан мей ҳам улоқнинг тезроқ бошлайишни кутмоқдамиз. Чавандозларнинг қайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айлини тортмоқда ва қайси бирорвлар улоқнинг солигини бермоқда эдилар. Акам ҳам шоҳи салласи билан бекасам тўнини менга бериб, ўзи ўртага от ўйнатиб кетди.

Улоқчилар бирин-сирии ўртага жум бўла бошлаган бўлсалар ҳам, ҳануз улоқ ўртага кирмаган эди. Ҳамма томошачилар сабрсизланиб, «Шу тобгача тую бўғизласа ҳам бўлар эди, улоги яхлаб қолдими?» дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин, бўғизланган улоғини олдига ўнгариб Ориф саркор ва унинг орқасидан бояги машҳур чавандозлар қалпоқни чаккага қия қўйиб, эгарга қийшиқ ўлтириб, ўртага кирдилар. Томошачилар улоқни кўрганлари он: «Хоҳ, жонивор, бормисан!» дейишадилар.

Орадан аллаким: «Улоқнинг қони яхши ювилдими?» — деб сўраган эди. Ориф саркор:

— Хотиржам! — деди ва улоқни шалқ этиб ташлади, сўнгра халққа яқинроқ келиб: — Оғайнилар! Бола-чақаларни четга чиқарниглар, от оёғида қолгилиқ бўлмасин, ўзларнинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, ҳайвон билан бўлган иш қийин! — деб вағз айтди.

Ориф саркор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб, тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз яқинларига: «Бу кун гайратларини кўрамиз-да!» — деб бақиришдилар.

Улоқ бошланды...

Бириси олади, иккинчиеси тортади. Иккичисининг ёнига учипчиси ва тўртинчиси қўшилпб, бирдан саккиз томонга тортқиплашадилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, япа улоқни буйдалашдилар. Йуда қизиқ... ҳар ким улоқни ўз тақимига босиш ҳаракатида, лекин улоқнинг думидан, оёғидан, ёлидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин. Баъзан улоқни тўдадан олиб чиқувчи ҳам кўришиб қолади, бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчуқдек ёнпилишиб, ўн-ўн беш қадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланди.

Бу ёқдаги томошачилар: «Тақимга бос, тақимга!», «Отнинг бошни қўй, човига қамчини шигаб бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Югани бўшат, қамчипнингни тишлаб ол, ёнигга алақисма!», «Олдинг, олдинг», «Берма, чаңга бурил, чаңга!», «Тут, қўйма!», «Вой тўпмагур, бериб юбординга, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!», «Отниг ҳаром қотсиз, отми, эшакми — бу ҳаром ўлгуринг?»... деб ҳар хил товушда бақиришадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзисиң югуриб бориб ердан улоқни азод кўтариб олади, укасими, ошнавасими — ишқилиб бирорта яқин кишисинга тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчай бўлиб устига дув йигиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқланиб ёки қўлини силаб ўртадан аранг чиқиб келади. Чеккан азобини сўзлай-сўзлай бир четга кетади.

Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, ишилган, ҳар ким улоқни тақимига босини қайгусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан ишқилиб қўли синган билан парвоши фалак... Ишқилиб, улоқни тақимга босса бўлди... Тақимга босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да!

Лекин тақимга босиш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди, тақимга кўпроқ босувчилар бояги чавандозлар: азобланиб ўлаёзиб бўлса ҳам улоқни тақимига босгач, отга қамчи бериб эллик-олтмин одим нарига қочиб борадиларда, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олипадилар. Яна тортиш.

Улоқ бошланганидан бирор соат вақт ўтган эдп. Бирдан улоқчилар сув қўнгандек типчиб, тортиш ўрнига тўпланишиб қолдилар. Биз, отлиқ-ляёв томошабинлар ҳам ҳаммампз ўртага югуришдик. Мен кейинроқ боргапим

учун отлиқ-яёв халқ ўртасини сиріб олған зди. Мен чеккада қолдым. Ҳар қандай уринисам ҳам ўртага киришнинг эни бўлмаганидан кейин одамларнинг оғзига қараб турдим. Лекин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум зди. Ҳар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бисидан: «Нима гап?» — деб сўрашар зди.

Бир неча дақиқадан кейин: «Қимирлатманг, қимирлатманг!» — деган товуш эннитпли, халқ яна таажжубга тушди.

— Нари бўлинглар, ҳовв! — деб бирор бақирди.

Халқ бир четлик бўлиб, йўл очди.

— Нима гап, нима гап?

— Ҳеч нарса эмас... Эсонбойни от босинти!

— Қўрқинчли эмасми?

— Йўқ, сагал.

Кишилар бир-бирларига қараб: «Фалокат — фалокат», — дейишилар. Нари тур-бери тур қилиб, беш-олти кинни отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар. Киннларнинг кўмаги остида келтириб, садапинг остига ётқиздилар.

Дарров бир кинни аравага юборилди, биттаси ўзига келармискан, деб ўлукдек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сениб кўрган зди, қимир этмади.

— Бени-олти отининг тагида қолди-да, бечора!

— Ўнта отининг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмас-ку, бироқ қалтисротқ жойидан босганига ўхнайди...

— Умри боқий бўлса ҳеч гап эмас.

«Бечора бултурги ҳайнитда менга ярим сўм ҳайтлик берган зди. Илоҳи яхши бўлспи», — деб кўнглимдан ўтказдим.

Арава келди. Эсонбой акани аравага ётқиздилар. Акам уч-тўртта ўртоқлари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

— Шўр паҳта қиласи, кепак қиздириб боссин,— деб халқ чувиrlашиб қолди.

Улар жўнагандан кейин улоқ яна боилапиб кетди. Мен улоқ тугагунча томоша қилиб турдим. Лекин яхшики энди ҳеч кимни от босмади.

Кечак менинг от қоққан экан, ўрнингга кипршиним билан тирракдек қотиб ухлабман. Эрталаб ойим: «Тур, тур тезроқ, дадаиг келса нах ўлдиради!» — деб устимдан кўрпани тортиб ташлади. Мен уйқули кўзим билан: «Дадам бозор кетмадими?» — деб сўраган здим, ойим:

— Эсонбойнинг жанозасида! — деб жавоб берди.

Менинг уйқум ўчди.

АДАВИЙ-БАДИЙ НАШР

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

ЖИНЛДАР БАЗИМИ

Ўзбек тилида

Ҳикоялар

Муҳаррир Ҳ. Имонбердиев

Мусаввир У. Солидов

Саҳифаловчи муҳаррир Е. Толоҷко

Мусаддиг Ш. Соатова

ИБ № 0540

Босмахонага 06.05.94 берилди. Босишга 15.06.94. руҳсат этилди. Бичими 84×108½. Босма қогози. Юқори босма. Шартли босма табоги 0,84. Нашриёт табоқ хисоби 0,81. Жами 50000 нусхада. Буюртма № 456. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 1,26. Шартнома № 14—94. Баҳси шартнома асосида.

Чўлпон нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси
хузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида
босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кў-
часи, 1.



2-2